

## ЯНГИ КОРОНАВИРУС (COVID-19) ИНФЕКЦИЯСИНинг ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛИШИ МУАММОЛАРИ

Атабеков Н.С., Улмасова С.И., Фарманова М.А.,

Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти.

### ✓ Резюме

Хозирги кунда дунё COVID-19 коронавирус инфекциясининг мисли кўрилмаган қўлами ва глобал таъсирiga дуч келмоқда.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг эпидемиологияси ўзига хос хусусиятларга эга. Қабул қилинган эпидемияга қарши (карантин) чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, эпидемиологик тўлқинсизмон хусусиятга эга булиб, Европа минтақасида ҳам, умуман олганда глобал жиҳатдан фарқ қиласди.

Калим сўзлар: коронавирус (covid-19), инфекция, Ўзбекистон, тарқалиш муаммолари.

## ПРОБЛЕМЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) В УЗБЕКИСТАНЕ

Атабеков Н.С., Улмасова С.И., Фарманова М.А.,

Служба санитарно-эпидемиологического спокойствия и общественного здравоохранение,  
Ташкентского педиатрического медицинского института,  
Бухарский государственный медицинский институт,

### ✓ Резюме

В настоящее время мир столкнулся с невиданной по своим масштабам и глобальному воздействию пандемии коронавирусной инфекции COVID-19.

Эпидемиология коронавирусной инфекции в Узбекистане имеет свои особенности. Ввиду предпринимаемых противоэпидемических (карантинных) мероприятий эпидемиологическая кривая имеет волновой характер и отличается от таковой как по Европейскому региону, так и в мировом аспекте в целом.

Ключевые слова: проблемы распространения, коронавирусная инфекции (covid-19), Узбекистан.

## PROBLEMS OF SPREADING NEW CORONAVIRUS INFECTION (COVID-19) IN UZBEKISTAN

Atabekov N.S., Ulmasova S.I., Farmanova M.A.,

Service of sanitary and epidemiological peace and public health, Tashkent Medical Pediatric Institute,  
Bukhara State Medical Institute

### ✓ Resume

The world is currently confronted with the unprecedented scale and global impact of the Covid-19 coronavirus pandemic. The epidemiology of coronavirus infection in Uzbekistan has its own characteristics. In view of the anti-epidemic (quarantine) measures taken, the epidemiological curve has a wavy character and differs from that both in the European Region and in the global aspect as a whole.

Key words: spread problems, coronavirus infection (covid-19), Uzbekistan.

### Долзарблиги

Вирусли юқумли касалликлар ҳозирда ҳам тиббиётниң долзарб муаммоларидан биридир. Ер юзида ҳозирги вақтда миллиардлаб одамлар у ёки бу турдаги юқумли касалликлар билан касалланадилар. Тиббиёт ходимларининг самарали ҳаракатлари натижасида баъзи юқумли касалликлар (чин чечак) бутунлай бартараф қилинган бўлсада, айрим касалликлар билан касалланиш (шол, бўғма, ўлат, безгак, қоқшол ва бошқалар) даражаси кескин камайишига эришилган. Бироқ, баъзи касалликларнинг қайд этилиши юқори-лигича сақланиб қолмоқда. Ҳатто, кейинги пайтларда "яна қайтиб келаётган", "янгидан пайдо бўлаётган" каби атамалар юқумли касалликлар соҳасига илдам кириб келмоқда. XXI аср бошидан парранда гриппи эпидемияси Шарқий Осиё мамлакатлари (Хитой, Лаос) ҳудудида қайд қилинган бўлса, 2005 йилга ке-

либ, Россия ва Европа мамлакатларига (Руминия, Италия) тарқалди. 2006 йилда эса касаллик Туркия ва Озарбайжонда рўйхатга олиниб, Туркияда одамлар орасида касалланиш натижасида ўлим ҳолатлари ҳам кузатилди.

2010 йил H1N1 янги грипп (чўчқа гриппи) вируси ер юзининг қатор мамлакатларида кузатилиб, пандемик равиша тарқалди. Касаллик республикамиз худудига эса этиб келмади. Эбола иситмасининг катта эпидемияси Шарқий Африка мамлакатларида (Гвинея, Сьерра-Леоне ва Либерия) 2014 йил феврал ойидан 2015 феврал ойи охиригача давом этиб 23,5 мингдан кўп одам заарланди ва 9,5 минг нафардан ортиқ ўлим ҳолатлари кузатилди. 2014 йилнинг 8 - августида Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) томонидан Эбола иситмаси дунё миқёсидаги "хавф" сифатида эътироф этилди. 2014 йилда Денге иситмаси билан Хитойнинг жанубий ҳудудида 30 мингдан ортиқ

одам касалланди. Ҳозирги вақтда вирусли гепатит С ва ОИВ-инфекцияси тарқанганлик даражаси юқорилигича сақланиб қолмокда.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперлари маълумотларига кўра, юқумли касалликларнинг 80% ини вирусли касалликлар ташкил этади.

Вируслар (лот. Virus-“захар”) - ҳаётнинг ҳужайрасиз шакллари бўлиб, фақаттана ҳужайра ичидаги кўпая олиш хусусиятига эга. Вируслар - нуклеин кислота молекулали оқсилдан ташкил топган, ҳимоя қобиги билан ўралган генетик информация ташувчилардан иборат бўлган жуда майди тирик мавжудот хисобланади. Уларнинг асосий хусусияти заарланган аъзолар ҳужайраларида паразитлик қилиб кўпайишидир. Бу вируслар аъзо молекулаларини синтез қилиш учун ўзининг аппаратига эга эмас, шунинг учун ҳам улар ўз-ӯзидан кўпайиши мақсадида, манба сифатида инсон ва ҳайвонлар ҳужайраларидан фойдаланадилар. Табиатда бактериялар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар ҳужайраларида паразитлик қилиб келаётган жуда кўп хилма хил вируслар маълум. Ҳужайралардаги вирусларнинг кўпайиши тобора чуқурашиб, аъзоларнинг заарланишига ва ҳаттохи ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Лекин вирусларнинг табиатдаги ўрни фақат бу билан чекланмайди. Улар дунёдаги тирик организмларнинг эволюцияси учун муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Вируслар заарланган организмнинг генетик информацийини ўзгартира олиш хусусиятига эга эканлиги сабабли бунга эришган.

Вирус бирор бир ҳужайрага тушгач, ўзининг генетик информацийидан холос бўлади ва организмнинг генетик кодини ўзгартирган ҳолда уни ўзлаштиради. Шунингдек, вируслар организмлар ўртасидаги генлар ёки генлар гурухини ташыйди.

Вируслар табиатда мунтазам айлануб турганлиги сабабли ўзгариб туради, мутацияга дучор бўлади, натижада эса вирусларнинг янги турлари пайдо бўлади. Табиий танланишнинг босими остида вирусларнинг фақат энг чидамли шакллари сақланиб қолади. Тирик организм бир пайтнинг ўзида бир нечта вируслар билан заарланиши мумкинлигини таъкидлаш жоиз. Бундай ҳолатларда вируслар орасида генларнинг ўзаро таъсири натижасида янги рекомбинант шакллар пайдо бўлади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотига кўра янги коронавирус юқтирган беморлардаги касалликнинг илк клиник белгилари 2019 йилнинг 8 декабридан олдинроқ кузатила бошлади. Касаллик эпидемияси ҳақидаги хабарлар дастлаб, 2019 йилнинг 31 декабрида пайдо бўлди. 2020 йилнинг 22 январидан бошлаб, Ухан шаҳри карантин мақсадида ёпиб қўйилди. Барча жамот транспортлари қатнови тўхтатилди. Шаҳарга кириш-чиқиш буткул таъқиқланди ва 24 январдан бошлаб, Ухан шаҳрига яқин бўлган Хуангтан, Эчжоу, Чиби ва Чжицзян шаҳарлари ҳам карантинга олинди. Натижада, Хитой ҳукумати жами 14 шаҳарга кириш-чиқишни ёпиб қўйди. Буни қаранг-ки, ушбу вирус Хитойнинг Тибетдан бошқа барча маъмурий ҳудудлари ва бирликларида топилди. Хитойликлар одатда ўзларининг янги йил байрамларини ўта дабдаба билан нишонлайдилар ва ушбу байрамдан халқи расман 15 кун дам оладилар ҳамда янги йил киришидан олдин ва кейин нафақат мамлакат ичидаги, балки, хорижий давлатларга ҳам саёҳатлар уюширадилар. Бунинг натижасида коронавирус дунё бўйлаб тарқалиш хавфи пайдо бўлди.

Шунингдек, касаллик Таиланд, Япония ва Жанубий Корея каби давлатларида аниқланган. Ухан шаҳрида ўтказилган эпидемиологик суриштирув натижаларига кўра, айрим касалланган беморлар маҳаллий денгиз маҳсулотлари савдо бозорларида ишлаганлиги маълум бўлган.

Беморларнинг кўпчилиги тана ҳароратининг юқорилиги ҳамда нафас олишининг қийинлашишидан шикоят қилишган. Кўкрак қафасининг рентгенография текшируви хulosасига кўра, айрим ҳолатларда bemorларнинг ўпкалари шикастланганлиги аниқланган ва коронавирус инфекциясининг асосан ҳайвонлардан юқиши тахмин қилинган. Бугунги кунда эса ушбу касалликнинг одамдан-одамга юқиши маълум бўлган ва тиббиёт ходимлари ҳам мазкур хасталикни юқтириб олиш ҳолатлари учраб турибди.

Коронавирус шиддат билан тарқала бошлади ва Япония, Таиланд, Сингапур, Жанубий Корея, Гонконг, Австралия, Тайвань, Макао, Малайзия, Америка Кўшма Штатлар, Германия, Вьетнам, Франция, Бирлашган Араб Амириклари, Канада, Филиппин, Буюк Британия, Россия, Италия, Ҳиндистон, Финляндия, Швеция, Шри-Ланка, Камбожа, Непал ҳамда Испанияда аниқланди.

Дунёнинг 187 га яқин давлатига кириб борган коронавирус Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Жорий йилнинг 15 март куни соат 06:00 да Республика Вирусология институти лабораториясида Франция давлатида бўлиб қайтган бир нафар Ўзбекистон фуқаросида COVID-19 коронавирус инфекцияси аниқланди. Дарҳол эпидемиологик суриштирув ишлари бошлланди ва касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирлар амалга ошириш бошлаб юборилди. Республикамизга 14 март куни ҳалқаро аэропортлар орқали 38 та рейсда - 4 800 нафар, темир ўйлар орқали - 1860 нафар, қолган чегара-божхона постларидан 38 минг нафар фуқаролар кириб келган барча ўйловчилар санитария назорат пунктларида (СНП) термометрия ҳамда бирламчи тиббий текширудан ўтказиш йўлга қўйилди. Бир пайтнинг ўзида эпидемик вазият нохуш бўлган давлатларда бўлиб қайтган 7781 нафар фуқаролар уй шароитида тиббий кузатув остига олинди.

Коронавирус тарқалиши Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳалқаро миқёсдаги фавқулодда вазият сифатида тан олинишидан олдин Ўзбекистонда ушбу вирусни юқтирганлик ҳолати қайд этилмаган бўлса-да, ҳукумат томонидан зарур профилактик чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январда Ф-5537 сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикасида коронавирус касаллиги кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссияси ташкил этилди. Маҳсус комиссия қарорига мувофиқ дунёнинг барча давлатлари билан мунтазам авиақатновларга чек қўйилди. Хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни шунингдек, ўйловчи ташувчи транспорт воситалари (автобус, енгил автотранспорт ва темир ўйл транспорти воситалари) барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилди. Четдан кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида маҳсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган муассасалар, ёхуд, уй шароитида карантинга олиш талаби белги-

ланди. Кўнгилочар обьектлар, шу жумладан тунги клублар, дискотека, ресторон, кафе, ошхона, чойхона, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти тўхтатилди. Оммавий тадбирлар, шу жумладан байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оиласвий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши чекланди. Давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрга, ўрга маҳсус, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнлари тўхтатилди ва коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар зудлик билан амалга оширилди. 2020 йил 24 марта соат 00.01 дан бошлаб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб жорий этилди.

Коронавирус инфекцияси асосан Тошкент шаҳри ҳудудида аниқланганлиги боис, мазкур касаллик республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида,

Тошкент шаҳрига автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиақатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали кириш тўхтатилди;

Тошкент шаҳрига кирувчи ва чиқувчи шахсларда коронавирус инфекцияси аломатларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий назорат ўрнатилди;

Йирик деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиши жойларини тегишли мутахассислар билан таъминлаган ҳолда масоғадан ўлчайдиган термометрлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланди;

Республика ҳудудига хорижий давлатлардан, шунингдек, Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган барча транспорт воситалари, товар ва юкларнинг мажбурий равишда дезинфекция қилиниши ўйлга қўйилди;

Давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакилларини қабул қилиш ҳамда уларга давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш "онлайн" режимга ўтказилди.

Тошкент вилояти Ўртасарой туманида 10 минг нафаргача хориждан келган фуқаролар учун карантин зона ташкил этилди ва бугунги кунда ўз фаолиятини бошлади. Бундай карантин зоналар Ўзбекистон бошқа вилоятларида ҳам қурилиши бошлаб юборилди..

Бугунги кунда дунёда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони 1 691 719 тани, согайиб кетганлар 376 096 нафарни, вафот этганлар 102 525 нафарни, Ўзбекистонда эса аниқланган ҳолатлар 729 тани, согайганлар 42 нафарни, вафот этганлар 3 нафарни ташкил қўлмоқда. Беморларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳрида аниқланётганлиги сабабли асосан Тошкент шаҳридаги Вирусология илмий текшириш институти клиникаси ва Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникасида, шунингдек вилоятлар юқумли касалликлар клиникаларида коронавирус касаллигига ча-

линган bemorlarни даволаш йўлга қўйилди. Барча клиникалар керакли дори-дармон, тиббий жиҳозлар ва бошқа зарурий асбоб-анжомлар билан таъминланди. Ҳозир пайтта келиб 86 000 дан кўпроқ коронавирус касаллигига чалинган ва гумон қилинганлар билан мулоқотда бўлган ҳамда эпидемик жиҳатдан ноxуш ҳудудлардан олиб келинган ҳамюрларимиз саломатлиги устидан тиббий кузатув давом эттирилмоқда.

## Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигига амалга оширилаётган бу каби оламшумул тадбирлар ўз самарасини бериши муқаррар ва биз эпидемик барқарор муҳитга яқин қунларда етиб боришимизга ишонамиз. Зоро, республикамиздаги барча куч ва имкониятлар бирлашиб забардаст бир муштга айланган. Бу мушт "дунёвий оғатнинг" Ўзбекистондаги уругини янчиб ташлашга қодир...

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Откуда появился коронавирус. Версия ученых. [www.pnp.ru](http://www.pnp.ru). Дата обращения 8 мая 2020.
2. Рекомендации ВОЗ для населения в связи с распространением нового коронавируса (2019-nCoV). [www.who.int](http://www.who.int). Дата обращения 5 февраля 2020.
3. Coronaviruses COVID-19 can live on Smartphones Screens up to 4 Days (англ.). RF (Radio Frequency) Safe (2 March 2020). Дата обращения 17 апреля 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январда Ф-5537-сонли фармойиши.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 23 марта даги 176-сонли "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачанинг "COVID-19 коронавирус инфекциясини республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олидини олиш бўйича тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 1-7-сонли қарорлари.
7. Клиническое ведение тяжелой острой респираторной инфекции при подозрении на новую коронавирусную (2019-nCoV) инфекцию. Временные рекомендации. 27 мая 2020 г. Женева: Всемирная организация здравоохранения; 2020 г.
8. Временные методические рекомендации. Профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Министерство здравоохранения Российской Федерации. (обращение 3 июня 2020).
9. Руководство по профилактике и лечению новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Первая академическая клиника Университетской школы медицины провинции Чжэцзян, 96c.
10. Национальная комиссия здравоохранения Китайской Народной Республики. Протоколы по профилактике и борьбе с COVID-19 (6-я версия) [EB/OL]. (2020-03-09) [2020-03-15].
11. Китайский Центр по контролю и профилактике заболеваний. Руководство по эпидемиологическому исследованию COVID-19 [EB/OL], (на китайском языке) (2020-03-09) (2020-03-15).
12. Китайский Центр по контролю и профилактике заболеваний. Руководство по исследованию и ведению тесного общения с пациентами с COVID-19 [EB/OL], (на китайском языке) (2020-03-09)(2020-03-15]. [http://www.chinacdc.cn/jkzt/crb/zl/szkb\\_n803/jszt\\_11815/20200309\\_214241.htm](http://www.chinacdc.cn/jkzt/crb/zl/szkb_n803/jszt_11815/20200309_214241.htm)

Келиб тушган вақти 09.11. 2020